

ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!



"XXI ASR" ШАРҲИ

ДУНЁ ДУБАЙДА ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИНИ ТИНГЛАДИ

Олтин кўзнинг сўнги, қумуш қишининг дастлабки кўнлари шунчалик тарихий воқеаларга бой ўтишини кучли экспертлар ҳам тахмин қилмаган бўлса керак. Тўғри, айти шу пайтда 140 дан ортиқ давлат ва ҳукумат раҳбарлари БМТнинг Иқлим ўзгаришлари бўйича конференциясида иштирок этиш учун саҳро узра барпо этилган гўзал шаҳарга тўпланиши аввалдан маълум эди. Лекин Ўзбекистон Республикаси Президенти нуфузли анжуманининг кириш қисмида, аниқроғи, мезбонлар ва ташкилотчилардан кейин ўнинчи, Марказий Осиё давлатлари ичида биринчи чиқиш қилиши сизу бизнинг гуруримизни оширган бўлса, узоқ ва яқиндаги ҳамкорларда ҳавас уйғотгани ҳақиқат.

Такрор айтиш: жаҳонда 200 га яқин мамлакат БМТ аъзоси саналса, шундан 140 тасининг етакчиси бир жойга жамланган вақтда ўнинчи бўлиб минбарга кўтарилишнинг ўзи бўлмайди. Бу, биринчидан, юртимиздаги изчил ислохотларнинг эътирофи бўлса, иккинчидан, Шавкат Мирзиёев танлаган сиёсий йўлнинг халқаро миқёсда тан олиншидир.

Очиғи, ҳозирги замонда олам аҳлининг диққатини эзгу ишлар ила тортиш жуда мураккаб масала. Чунки уруш ва низолар, иқтисодий инқироз ва табиий офатлар фониди яхши амаллар кўзга кўринавермайди. Қилни қирқ ёрадиган таҳлилчилар ҳам кўпроқ "оловли" нуқталар билан банд бўлиб қолади. Шундай бир ҳолатда Ўзбекистоннинг демократик интилишлари,

"Инсон қадрини учун!" тамойили асосида амалга ошираётган лойиҳаларига дунёнинг нигоҳи тушгани катта гап. БМТ Иқлим ўзгариши бўйича конференциясининг (COP28) асосий ялпи сессиясида Президентимиз нутқида алоҳида аҳамият берилгани ҳам тасодиф эмас.

3



O'zLiDeP Siёсий KenGashi Ijroia qўmitasida



ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ БАРОБАР БЎЛСА, ИСЛОХОТЛАР ДАДИЛ ОДИМЛАЙДИ

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг янги тахрирдаги Конституция мазмун-моҳиятини ўрганиш ҳамда унинг нормаларини ҳаётга татбиқ қилишга қаратилган ўқув-семинар ва тарғибот тадбири бўлиб ўтди. "Янгиланган Конституция – фаровон ҳаёт ва барқарор тараққиёт кафолати!" деб номланган йиғилишда сиёсий кучнинг ҳудудий тузилмалари ҳам онлайн йўсинда иштирок этди.

O'zLiDeP Siёсий KenGashi Ijroia qўmitasi raisi Aktram Xaitov йиғилганларни Бош қомусимизнинг 31 йиллиги билан самимий қўтлаб, Конституциямизнинг такомиллаштирилиши жара-

ёни, бунда халқимизнинг, жумладан, сиёсий кучнинг фаол иштироки, ислоҳ қилинган ҳужжатдан ўрин олган янги нормалар ва уларнинг ҳаётимиздаги улкан аҳамияти тўғрисида сўзлади. Хусусан, унда инсон қадр-қиммати ва ҳуқуқлари, аҳолининг ижтимоий ҳимояси янада мустақамлангани, таълим, аёллар, ёшлар масаласи, маҳаллаларнинг жамиятимиздаги ролини оширишга хизмат қилувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, халқчилик таъминлагани каби муҳим жиҳатларга алоҳида тўхтади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари – O'zLiDeP фракцияси аъзолари, Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси ҳамда партия ҳудудий кенгашлари вакиллари ҳам мавзу бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

2

ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ МУРОЖААТИ

Сув текин эмаслиги, уни исроф қилиш эса халқимиз келажагига хиёнат билан баробарлигини унутмайлик!
Сув тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик ҳам белгиланганини ёддан чиқармайлик!

4

БУГУНГИ СОНДА:

4

ЗАФАРБЕКНИНГ
ЗАФАРЛИ ҚАДАМЛАРИ

6

МИНФИР-МИНФИР
ЛАППАКЛАР НИМА, БИЛАСИЗМИ?

6

ЖАМОАТ ВА ЖАМИЯТ НАЗОРАТИ
"ДЕҲҚОНОБОД КАЛИЙ ЗАВОДИ" АЖДА...

XXI ASRNING 24-ЙИЛИДА ҲАМ "XXI asr" БИЛАН БИРГА БЎЛИНГИ

ОБУНА 2024

Обуна индекси – 406.
Мурожаат учун телефон: 71 255 68 50.

◀ Бошланиши 1-саҳифада.

– Ислоҳ этилган Асосий қонунимиз мамлакатимизнинг узоқ муддатли Тараққиёт стратегияси, умуман, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратди, – деди партия лидери. – Айниқса, партиямиз конституциявий қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиққани, референдум асосида янгиланган Бош қомусимизнинг қабул қилиниши, унинг барча босқичидаги тарғибот-ташвиқот жараёниларида сиёсий куч ва фракциямиз аъзолари фаол иштирок этгани алоҳида эътирофга лойиқ.

Бугун юртимизда Бош қонунимиз асосида янги ижтимоий-сиёсий муҳит шаклланимиз. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо ўзига хос механизмлари ҳаётга кенг татбиқ қилинмоқда. Давлат институтларининг фаолияти самарадорлиги ошиб, миллий парламентаризм институти янада такомиллашмоқда. Суверен давлат мақомини мустаҳкамлаш, хусусан, янги синовлар ва таҳдидлар шароитида миллий манфаатлар устуворлигини таъминлаш, ўзаро ишонч ва ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсатни давом эттириш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Айниқса, янгиланган ҳужжатда партиямиз электорати бўлган тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатига хизмат қиладиган бир қанча янги нормалар акс этгани қувонарлидир.

лига 300 минг нафар фуқарога уйдан чиқмаган ҳолда, онлайн ёки ўзига қулай бўлган Давлат хизматлари марказлари орқали пенсия тайинланиши учун муружаат қилиш имконияти яратилди.

Ҳозирги вақтда кўплаб оилалар моддий имконияти чеклангани боис ака-укаси, ота-онаси билан бир хонадонда қийналиб яшашмоқда. Ҳар йили бюджетдан ўртача 10,5 триллион сўм ажратилиб, худудларда қарийб 50 минг оила учун янги хонадонлар, бошпаналар қурилмоқда. Бу йил 90 минг оилани уй-жойли қилиш режалаштирилган. Яқин 2-3 йилда бу рақамни 200 мингга етказиш чоралари кўрилмоқда. Чунки ҳар бир фуқаронинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эгаллиги ва уй-жой қурилиши давлат томонидан рағбатлантирилиши ҳам Конституциямизнинг 47-моддасида алоҳида мустаҳкамланди.

Шу билан бирга, 48-моддада аҳолининг тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли эканлиги ҳам киритилди. Яъни, бу давлат аҳолига энг зарур ва муҳим бўлган бир қатор тиббий хизматларни бепул кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олганлигини аниқлади. Жорий йилда “Кафолатланган хизматлар пакети” қайта кўриб чиқилиб, 20 турдаги касалликлар бўйича диагностика, даволаш ва профилактика хизматлари ҳажми тўлиқ қамраб олинди.

Янги Конституциянинг энг муҳим жиҳатларидан яна бири илм-фан ва таълимни ривожлантиришга катта эътибор берилганлиги билан изоҳланади. Бу борада маҳаллий кенгаши рақарий икки карра кўпайди.

га хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдилар”, деб белгилаб қўйилди. Шунинг учун ҳам Президентимиз томонидан демократик давлат принципига асосланган ҳолда, демократик тараққиёт йўлини давом эттириш, парламентаризмни кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш йўналишидаги вазифалар, қисқа қилиб айтганда, “халқ хизматидаги давлат”ни барпо этиш вазифаси Янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий тамойилларидан бири этиб белгиланди.

Сўнгги йилларда давлат бошқарувида эришилган энг катта натижа – барча давлат идораларининг фаолияти маҳаллагача туширилди, раҳбар ва амалдорлар одамлар билан мулоқот қилишга ўрганди. Бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг мазмуни ва талаби оддий ва содда: **давлат хизматчиси, аввало, халқ хизматчиси бўлиши шарт.**

Аҳоли муаммоларини ҳал этиш ва очиқлик барча вазирлик ва ҳокимликлар ишига баҳо берадиган асосий мезонга айланди. Шунингдек, давлат идоралари фаолиятини эски бюрократиядан замонавий менежментга ўтказиш мақсадида маъмурий ислохотлар бошланди. Илк босқичда вазирликлар қисқартирилиб, уларнинг фаолияти тўлиқ ўзгартирилди. Вазирларнинг сиёсий масъулияти ва жавобгарлиги кучайтирилди.

Маъмурий ислохотларнинг иккинчи босқичи сифатида жойлардаги бошқарув ҳам ўзгартирилди. Хабарингиз бор, бу йўлдаги муҳим амалий қадам сифатида маҳаллий кенгаши халқнинг чинакам овозига айланиши учун, ҳокимнинг кенгаши

субъекти – инсон, жамият, давлат ҳимоясига қаратилгандир. Эътироф этиш лозимки, давлат ва жамият қурилиши соҳасида миллий хавфсизликни таъминлашнинг таянч принциплари ва нормаларини, шунингдек, мафкуравий қоидаларини белгилаб берадиган конституциявий ҳуқуқ асослари алоҳида аҳамиятга эга.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 152-моддасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва худудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилиши, Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланиши қайд этилган.

Мамлакатимизнинг мудофаа қобилияти ва Қуролли кучларимиз салоҳиятини янада мустаҳкамлаш сарҳадларимиз дахлсизлиги, жамиятимиздаги хавфсизлик ва барқарорлик, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашнинг энг муҳим шартини кафолатидир. Мудофаа ва хавфсизлик тизимимиз ўз аҳамиятига кўра мазкур тизимнинг салоҳиятини муттасил кучайтириб бориш вазифаларини амалга оширишни тақозо этади. Янги Ўзбекистонни барпо этишда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш давлат фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинган. Шу боис мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш борасида изчил ислохотлар жадал амалга оширилмоқда.

Конституцияда ташқи сиёсатнинг асосий мезонлари ҳам белгилаб берилган бўлиб, улар

ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ БАРОБОР БЎЛСА, ИСЛОХОТЛАР ДАДИЛ ОДИМЛАЙДИ



Мавлуда ХҲЖАЕВА,
О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши
Ижроия қўмитаси раисининг
аёллар масалалари бўйича
ўринбосари, Олий Мажлис
Қонунчилик палатасидаги
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

– Ўзбекистон – ижтимоий давлат. Ижтимоий давлат, бу – ҳар бир фуқаро, айниқса, меҳр-эътиборга муҳтож ва эҳтиёжманд шахсларга ғамхўрлик қиладиган, ҳеч бир инсон ўз муаммоси билан ёлғиз қолдирилмайдиган давлат ҳисобланади.

Бош қомусимизнинг 43-моддасида камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш бўйича давлат ўзига қатор мажбуриятлар олди. Конституцияда ижтимоий соҳадаги давлатнинг мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар қарийб 3 баробар кўпайди.

Маълумки, ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва бирдамлик, адолат принциплари асосида муносиб яшаш шароитларини яратиб беради. Асосий қонуннинг 46-моддасида эса пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдамлар миқдори энг кам истеъмол харажатларидан кам бўлиши мумкин эмаслиги белгиланди. Бу дегани, 2 миллион 200 минг эҳтиёжманд оила давлатдан кафолатли моддий ёрдам олади. Яъни, жами оилаларнинг 25 фоизига ҳар йили 12 триллион сўм маблағ ажратилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, куни кеча Қонунчилик палатаси мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинган қонун билан янги таҳрирдаги Конституцияда белгиланган нормаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” ва “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш белгиланмоқда.

Пенсияларнинг энг кам миқдори белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлмаслиги кўзда тутилмоқда. Шунингдек, фуқароларга Давлат хизматлари маркази ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали пенсия тайинлаш учун муружаат қилиш ҳуқуқини яратиш белгиланмоқда. Мазкур имкониятлар билан йи-

Аҳолининг кенг қатламларини олий таълим билан қамраб олиш масаласи Президентимиз томонидан БМТ минбаридан ҳам кўтарилган ва 2030 йилгача Ўзбекистонда 50% ёш аҳоли олий маълумотга эга бўлиши режалаштирилган. Тарихимизда илк бор олий ўқув юртининг молиявий мустақиллиги ҳамда академик ва таълим эркинлигига доир конституциявий кафолатлар белгиланди.

Умуман олганда, Конституциямиздаги барча ўзгартиш ва янги нормалар авваламбор мамлакатимизнинг янада ривожланишига, халқимиз фаровонлигига хизмат қилади.



Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

– Конституцияни давлат билан инсон ўртасидаги шартнома дейиш мумкин. Маълумки, ҳар қандай шартномада тарафларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланади. Агар янгиланган Конституциямизда давлатнинг мажбуриятлари уч мартага кўпайган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари уч ярим бараварга ортди. Шу нуқтаи назардан қараганда, янги таҳрирдаги Қомусимиз чинакам инсон қадрини улғайтидиган бош ҳужжат бўлди, десак янглишмаймиз. Зеро, айнан халқимизнинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатининг маъно-мазмунини белгилаб беради. Демократия дегани ҳам аслида шу.

Мана, 1-моддага эътибор беринг: “Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат”. Азал-азалдан эл-юрт дардига дармон бўладиган халқчил давлат, адолатли жамият барпо этиш халқимизнинг орзуси бўлиб келган. Бу эзгу мақсад кўплаб мутафаккирларимиз асарларининг ҳам бош ғоясини ташкил этади. Ота-болаларимизнинг ана шундай олийжаноб ният ва интилишларини амалга ошириш сиз билан бизга насиб этгани учун ҳар қанча шукрона айтсак, факрлансак арзийди. Лекин бундай фахр-ифтихор бизга, ҳар бир юртдошимизга улкан масъулият ҳам юклайди. Бунини асло унутмаслигимиз керак.

Конституциямизнинг 2-моддасидаёқ “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатлари-

га раҳбарлик ваколати бекор қилинмоқда. Энди ҳокимлар кенгаши олдида, халқ олдида ҳисобдор бўлган тизим жорий этилади. Бу тизим Тошкент шаҳри ва вилоятлар даражасида навбатдаги сайловлар якуни бўйича, шаҳарлар ва туманлар даражасида эса 2026 йилнинг январидан жорий этилади.

Шунингдек, демократик давлатда парламентнинг роли ошиб бориши ҳеч кимга сир эмас. Амалга оширилаётган ислохотлар доирасида парламент ваколатлари кенгайиб, ҳукуматнинг ҳисобдорлиги ошди. Ушбу ўзгаришлар сиёсий партиялардан ҳам ўз электорати олдидаги масъулиятни янада кучайтиришни талаб этади.

Шу мақсадда партиялар родини ошириш, улар ўз кучи ва имкониятларини амалда намоён этиши учун аралаш, яъни мажоритар-пропорционал сайлов тизимини жорий этишнинг зарурлиги давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган эди. Ҳозирда унинг ҳуқуқий асослари яратилди. Ушбу масала юзасидан яқинда Қонунчилик палатаси депутатлари ташаббуси билан қонун ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Бунинг маъноси шуки, энди фуқаролар Қонунчилик палатасидаги 150 та депутатлик ўрнининг 75 таси бўйича аниқ бир номзодни сайласа, қолган 75 таси бўйича сиёсий партияга овоз беради. Бундай тизимда биронта сайловчининг овози эътибордан четда қолмайди.

Шунингдек, керакки, **миллий тараққиётга эришишнинг ягона тўғри йўли – демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўли ҳисобланади.** Бу ғоя Конституциямизнинг асосий ғояси саналади.



Тўлқинжон КАРИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

– Конституциямизда олий норматив ҳуқуқий манба сифатида миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий масалалари бўйича муҳим миллий манфаатлар ҳамда устувор принцип ва нормалар, шунингдек, мафкуравий қоидалар ҳам ифодаланган. Ундаги ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу масалаларига доир ҳар бир модда ўз моҳият-эътибори билан мазкур муносабатларнинг асосий

орасида хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ манфаатлар алоҳида ўрин тутди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Ташқи сиёсий фаолият, хусусан, давлатлараро тузилмаларда иштирок этиш, энг аввало, хавфсизлик манфаатларини қўллаб амалга оширилиши зарур. Моҳиятан олганда, Асосий қонунимизнинг ҳар бир қоидаси миллий манфаатларнинг олий сиёсий-ҳуқуқий ифодасидир. Бинобарин, давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, унинг фаровонлиги ва хавфсизлиги биринчи навбатда Конституциянинг ўзини, унинг қоидаларини ҳимоя қилишдан, конституциявий қонунларнинг устуворлиги ва мустаҳкамлигидан иборат.

Ташқи сиёсат мамлакатимиз Конституциясида давлат фаолиятининг алоҳида соҳаси сифатида белгиланган бўлиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига содиқлик билан бир қаторда, давлатлараро тузилмаларда иштирок этиш мақсадини ҳам акс эттиради. 17-моддага мувофиқ, “Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг бузилмаслиги, давлатларнинг худудий яхлитлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа принцип ва нормаларига асосланади”. Бундай сиёсат негизда олий миллий манфаатлар ётади.

Мухтасар айтганда, янги таҳрирдаги Конституциямиз негизга қўйилган принцип ва қоидалар Янги Ўзбекистонни барпо этишдаги муҳим омиллар – мудофаа ва хавфсизлик ҳамда ташқи сиёсат соҳасидаги стратегик ислохотларга ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Ўқув-семинарнинг бошқа иштирокчилари ҳам таъкидлаганидек, Бош қомусимизда тадбиркорлик фаолияти кафолатлари кучайтирилди. Бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳалол рақобат учун шарт-шароит яратиш, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳити таъминланди. Адолатли солиқ тизимини йўлга қўйиш, монополизм фаолиятини чеклаш орқали том маънода эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш учун барқарор асос яратилди. Мулк дахлсизлиги ва у билан боғлиқ ҳуқуқлар таъминланишининг давлат томонидан кафолатланиши, уларни чеклаш фақат суд қарори асосида бўлиши мустаҳкамланди. Товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланди. Бу иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиши, фаровон ҳаётимиз таянчи ҳисобланган тадбиркор ва ишбилармонларимизнинг эркин фаолияти учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилди.

Демак, янгиланган халқчил Конституциянинг мазмун-моҳиятини жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, унинг ҳар бир боб ва моддаларини таҳлилини содда усулда етказиш борасидаги ишларни изчил давом эттириш лозим. Зеро, ҳуқуқий кафолатлар баробарида ҳуқуқий маданият ҳам кучайтирилсагина, ислохотларимиз жадал одимлайди, ана шундангина ўйлаган манзилмизга тезроқ етамиз.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири

Суратларни Сардор АМИНЖОНОВ олган.

ДУНЁ ДУБАЙДА ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИНИ ТИНГЛАДИ

◀ Бошланиши 1-саҳифада.

“СУВ ТЕКИН ЭМАС” ЁХУД ТЕЖАМКОРЛИК БЎЙИЧА ФАВҚУЛОДДА ТИЗИМ МОҲИЯТИ

Мавжуд муаммолар ечимига муносабатда уйғунлики қаранги, давлатимиз раҳбари Дубайга учиб кетишдан бир кун олдин қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва йўқолишларни камайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилишини ўтказди. Зотан, иқлим ўзгаришлари, энг аввало, обиҳаёт билан бевосита боғлиқликда кечаётди. Нафақат ичимлик суви таъминоти, балки экинларни суғориш ҳам тобора қийинлашапти. Бойси, сув ресурсларининг 20 фоизи ўзимизда, қолгани кўшни давлатларда шаклланади. Рақамлардаги тафовут сергак тортирмасдан қўймайди, албатта. Трансчегаравий дарёлари бошқариш бўйича вазият ўта жиддий. Буларнинг таъсирида 2030 йилга бориб юртимиздаги сув танқислиги 15 миллиард куб метрга етиши прогноз қилинапти.

Мамлакатимизда бир гектар пахта майдонини суғориш учун йилига 10-11 минг куб метр сув сарфлангани ҳолда, иқлими ва ери бизнига ўхшаш мамлакатларда бундан 2-3 баравар кам сув ишлатилапти. Қандай қилиб дейсизми? Сувдан оқилона фойдаланиш, исрофгарчиликка чек қўйиш эвазига.



Сув хўжалиги бюджетдан маблағ олиш бўйича таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигидан кейин тўртинчи ўринда туради. Аммо тизимда ҳисоб-китоб тўғри йўлга қўйилмагани, ресурсларни бошқаришда эскича ёндашувлар сақланиб қолгани учун самаранинг чўғи кўзга ташланмаётгани ҳаммамизга аён. Шу боис ҳам Шавкат Мирзиёев бир йил давомида сувни тежаш бўйича фавқулодда иш тизимига ўтирилиши маълум қилди.

Бетонланмаган ирригация тармоқларида йилга ўртача 14 миллиард куб метр ёки 36 фоиз сув исроф бўлаётгани таъкидланди. Бу борада Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Навоий, Хоразм ва Бухоро вилоятлари “пешқадам”. Ушбу ҳудудларда каналларнинг охирида жойлашган 175 минг гектар экин майдонидан сув таъминоти жуда оғир. “Каналларни бетонлаш бўйича зарбдор йил” эълон қилинганнинг сабаби шунда.

Фақат бетонлаш билангина иш битмаслиги ойдек равшан. Давлат раҳбари иккинчи муҳим вазифа – сув тежовчи технологияларни жорий қилиш талабини қўйди. Суғориладиган ерлардан атиги 30 фоизидан сувдан тежамкор фойдаланилаётгани бизни ҳушёр тортириши керак. Сув етказиш таннархи жуда қиммат бўлган Қашқадарёда эса бу кўрсаткич бор-йўғи 16 фоизни ташкил этади.

Сув тежовчи технологияни жорий қилган фермерларга кредит фоизининг

бир қисмини қоплаш тартиби амалда ишламаяпти. Йиғилишда бу бўйича янги молиялаштириш тизими белгиланди. Унга кўра, кластер ва фермерларга сув тежовчи технологияларни жорий қилиш учун икки йиллик имтиёзли давр билан беш йилга 14 фоизли кредит ажратилади. Бунинг учун очик-ошқора платформа ишга туширилади. Ҳам банк билан, ҳам таъминотчилар билан шартнома электрон платформа орқали онлайн имзоланади.

Видеоселекторда мутасаддиларга бу жараённинг молиявий-ташқилий жиҳатлари аниқ кўрсатиб ўтилди. Сув тежаш жорий этилган майдонларни ҳар йили кенгайтириб бориш, Туркия, Испания ва Хитой тажрибасини пухта ўрганиш муҳимлиги таъкидланди. Сув хўжалиги вазирлигига насосларни модернизация қилиш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Соҳада замонавий бошқарувни жорий этиш, сув ҳисобини юритиш бўйича кечиктириб бўлмас топшириқлар берилди.

ГЛОБАЛ МИҚЁСДАГИ МУҲИМ ТАКЛИФЛАР

Дубайда йиғилган мартабали шахслар 140 дан ортиқлигини қайта-қайта таъкидлашимиз бежизмас, албатта. Улар қаторига 30 дан ошқиб нуфузли халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар раҳбарларини ҳам қўшсак – анжуманининг “об-ҳаво”сини тасаввур қилиш қи-

ятарли нуқтага етиб келганини таъкидлар экан, “яшил” иқтисодиётга ўтиш углевод нейтраллигига эришиш Янги Ўзбекистоннинг устувор стратегик вазифаси эканлиги, сўнгги йилларда юртимизда муқобил энергия улуши икки бараварга кўпайгани, “Яшил макон” ташаббуси доирасида 1 миллиард туп кўчат экилгани, Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектар майдонда ўрмонлар барпо этилганига эътибор қаратди ва қатор таклифларни илгари сурди.

Биринчидан, Париж шартномаси доирасида Иқлим ўзгаришига мослашиш соҳасидаги Глобал ҳадли механизм тизимини қўллаш, Марказий Осиё иқлим мулоқоти платформасида Адаптация стратегиясини ишлаб чиқиш.

Иккинчидан, глобал миқёсда кам углеводли иқтисодиётга ўтиш адолатли, шаффоф ва инклюзив бўлиши зарур. Бунда ривожланаётган давлатларнинг манфаатлари, албатта, инобатга олинishi шарт. Бу муаммо “Катта еттилик” ва “Катта йигирмалик” форматларида доимий кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, БМТнинг резолюцияси асосида Оролбўйи ҳудудини экологик офат зонасидан “инновациялар, технологиялар ва янги имкониятлар минтақаси”га айлантириш, бу ерда Иқлим технологиялари халқаро экспо-ҳабини яратишда яқин ҳамкорлик қилиш.

Тўртинчидан, иқлим ўзгаришига қарши курашда илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш лозим. Тошкентдаги “Яшил университет” негизидаги “Иқлим илмий форуми”да жаҳондаги етакчи олим ва экспертлар иштирокини таъминлаш.

ийн кечмайди. Журналистлар эса минглик саноқларда аккредитациядан ўтди. Ана шундай катта тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев дунёдаги манаман деган етакчилар орасида ўзининг бўлиб нутқ сўзлади. Бу, айтиш мумкинки, COP28 асосий ялпи сессиясининг муҳим чиқиши бўлди. Уша нутқдан айнан олинган қуйидаги жумлалар ҳам фикримизни тасдиқлайди: “Иқлим муаммолари барқарор ривожланиш йўлида энг асосий таҳдидга айланиб улгурди. Бу хавф-хатарлар ҳатто дунё геосийёсий архитектурасига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари Орол фожиаси туфайли Марказий Осиёда айниқса жиддий сезилмоқда. Минтақамизда ҳаво ҳароратининг ошиши жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан икки баравар кўпдир. Фавқулодда иссиқ кунлар сони 2 марта ортди, музликлар майдонининг учдан бир қисми йўқолди.

Тупроқ емирилиши жараёнлари 30 миллион аҳоли турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатмоқда. Кучли чанг ва кум бўронлари одатий ҳолга айланди. Ичимлик суви тақчиллиги, ҳаво ифлосланиши, биохилма-хиллик йўқолиши, қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлиги пасайиши каби муаммолар тобора авж олмақда”.

Президентимиз бу глобал хавфлар

Бешинчидан, БМТ билан биргаликда 2024 йили Ўзбекистонда “Иқлим миграцияси” конференциясини ўтказиш. Халқаро меҳнат ташкилоти билан “Яшил бандлик” дастурини ишлаб чиқиш ва Моделлаштириш марказини ташкил этиш.

Шавкат Мирзиёев қатъият билан илгари сурган беш ташаббус Ўзбекистон иқлим ўзгаришига қарши кураш бўйича умумбашарий ғояларга доимо содиқлигини яна бир бор намойён этди. Шунинг учун ҳам келгуси йили Самарқандда халқаро иқлим форумини ўтказиш ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг алоҳида резолюциясини қабул қилиш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Президентимизнинг “яшил” иқтисодиётга ўтишда ривожланаётган давлатлар манфаатларини инобатга олишга оид чақирғи жаҳон оммавий ахборот воситаларида акс садо берди. Кўплаб халқаро нашрлар Шавкат Мирзиёевнинг “Катта еттилик” ва “Катта йигирмалик” давлатлари кам углеводли иқтисодиётга ўтишда иқлим ўзгаришидан жиддий зарар кўраётган ривожланаётган давлатларнинг манфаатларини инобатга олиши кераклиги хусусидаги фикрларидан иқтибослар босиб чиқарди. Чунки ҳамма ҳам бунақа аниқ ва дадил чиқиш қилавермайди. Халқ манфаатига қайғуриб толмайдиган, ҳар қандай шароитда одамлар қадрини ўйлайдиган етакчилигига шундай шижоат ила маъруза қилади.

Дубайда йиғилганлар мазкур қоида-



нинг исботини ўз кўзлари билан кўришди. РРдан ҳоли таклифларни астойдил тинглашди.

БЕШ ТАШАББУС ВА ЎН БЕШ УЧРАШУВ

Аслини олганда, нуфузли минбарда айтилган беш ташаббуснинг мазмунини очиб бериш учун ҳар қайсига бештадан мақола ёзиш мумкин. Қуйма фикрлар замиридаги устувор ғоялар тадқиқини мутахассисларга ҳавола этган ҳолда, шарҳимиз давомида Шавкат Мирзиёевнинг конференция доирасидаги расмий учрашувларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён, Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Индонезия Президенти Жокко Видодо, Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурелсух, Малайзия Подшоҳи Султон Абдуллоҳ Риоятуддин Ал-Мустафо Биллоҳ Шох, Европа тиклиши ва тараққиёт банки президенти Одил Рено-Бассо, БМТ Бош котибининг ўринбосари, Чўлланишга қарши кураш конвенцияси ижрочи котиби Иброҳим Тиау ва бошқалар билан, менинг ҳисобимда, ўн бешта учрашув ўтказишга юртбошимиз нафақат вақт, балки масалаларнинг самарали муҳокамасига имкон ҳам топди. Ҳар бир мулоқотда Ватан ва халқ манфаати устувор аҳамият касб этишига эришиш етакчидан жуда катта маҳорат, етук дипломатияни талаб қилишини айтишга ҳожат йўқ, назаримда.

БАА Президенти билан учрашувда мезбонлар томонидан амирликлар вице-президенти Мансур Ол Наҳаён, Бош вазир ўринбосари, ички ишлар вазири Сайф Ол Наҳаён, энергетика ва инфратузилма вазири Суҳайл ал-Мазруий, саноат ва илғор технологиялар вазири, COP28 саммити президенти Султон Аҳмад ал-Жобир бевосита қатнашганининг ўзи мазкур мулоқот юксак мартабали меҳмонга шунчаки илтифот эмаслигини кўрсатиб турибди.

Самимий суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари атрофида кўриб чиқилди. Ўзбекистон билан БАА ўртасидаги кўп қиррали алоқалар барқарор ва жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди. Йил бошидан буён товар айирбошлаш 30 фоизга ошгани, қўшма корхоналар ва тўғридан-тўғри авиақатновлар сони кўпайгани, етакчи компаниялар иштирокидаги қўшма лойиҳалар портфели 4 миллиард долларни ташкил этаётгани таъкидланди. Фаол мулоқотни давом эттириш ва бўлажак олий даражадаги тадбирларга пухта тайёргарлик кўриш, амалий ҳамкорликни кенг кўламли стратегик шериклик даражасига олиб чиқишдан ҳар икки томон бирдек манфаатдордир.

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, кун тартиби қанчалик тиғиз бўлмасин, Шавкат Мирзиёевнинг Дубай шаҳридаги учрашувлари давлат ва ҳукумат раҳбарлари билан чекланмади. Амалий ташриф доирасида ҳар галгидек ишбилармонлар билан мулоқот дастури ҳам эътиборни тортди. Хусусан, Президентимиз

“Тадweer” компанияси бош ижрочи ва бошқарувчи директори Али ал-Даҳерийни қабул қилганини алоҳида тилга олиш жоиз.

Бирлашган Араб Амирликларида фаолият кўрсатадиган ушбу компаниянинг Ўзбекистонда электр энергияси ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш, бунда илғор технологик ечимларни жорий қилиш режалари суҳбатнинг бош мавзуси бўлди.

Миллий етакчимиз қаерда сўзга чиқмасин, мавжуд имкониятдан тўлиқ фойдаланиш ҳақида гапирди ва ўзи ҳам шунга қатъий амал қилади. Дубай шаҳрида “Air Products” компанияси бошқаруви раиси Сейфи Гасемини қабул қилгани ҳам шунинг тасдиғидир.

Мулоқот давомида бу компания билан ҳамкорликни, энг аввало, юқори технологик тармоқларда янада кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари юзасидан сўз юритилди. Давлатимиз раҳбари шунинг ўзида “Air Products” билан юртимизда амалга оширилаётган жорий лойиҳаларнинг бориши ва янгиларига тайёргарлик ҳолати бўйича тақдирот билан ҳам таниди. Мутасаддиларга натижадорликни янада оширишга оид қатор тавсиялар берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ишбилармонлик дастуридаги навбатдаги учрашувни “Амеа Power” компанияси раиси Хусайн Ал-Новайс билан ўтказди. Мамлакатимизда “яшил” энергетика ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш соҳаларида қўшма инвестиция лойиҳаларини рўйбга чиқариш истиқболлари муҳокама қилинди. Компаниянинг Ўзбекистонда фаолият юритиш борасидаги режалари қўллаб-қувватланди.

Шарҳимизни кузакнинг охири ва аёзлар мавсумининг ибтидосига оид мулоҳазалар билан бошлаган эдик. Табиатдаги алмашинувлар навбатма-навбат кечгани сингари ҳаётимиздаги ижобий ўзгаришлар ҳам босқичма-босқич буй кўрсатмоқда. Энг муҳими, қиш кириб келганига қарамай, кўнглимизда илиқлик ҳукмрон. Дубайда 140 нафар етакчи орасида давлатимиз раҳбарига кўрсатилган эҳтиром, илгари сурилган ташаббусларнинг алоҳида эътибор қозонгани, дам олишга ажратилган вақтларда ҳам элнинг қорига ярайдиган лойиҳалар кўриб чиқилгани қалбдаги ҳароратни, фаровон келажакка ишончни янада кучайтириб, шундай юртга фарзандлик ифтихорини неча юз чандон оширгани-да рост.

Президент ҳокими вазирларимизга халққа сидқидилдан хизмат қилиш учун яна “яшил чироқ” ёқиб берди. Эндиги гап уларда. Эришилган келишувларни ҳаётга ўз вақтида сифатли жорий этиш, одамларнинг яхши яшаши учун шароит яратиш уларнинг зиммасида. Ана шу масъулиятни унутмаган мутасаддиларни эл ҳам ардоқлайди.

Дубайдаги воқеалар бунга ёрқин мисол.

Озод РАЖАБОВ,
“XXI asr” шарҳловчиси

ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ МУРОЖАТИ

АЗИЗ ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ВА ТОМОРҚАЧИЛАР, СУВНИ ТЕЖАНГ ВА ҚАДРЛАНГ!

Қишлоқ хўжалигида сувни тежаш, ундан мақсадли, самарали ва оқилона фойдаланиш, исрофгарчиликка барҳам бериш орқали биз нафақат бугун халқимиз ҳаётининг янада фаровонлашишига ҳисса қўшамиз, балки келгуси авлодларимиз олдидagi энг олий бурчимизни ҳам бажарган бўламиз.

СУВНИ ҲАР КИМ ҲИМ ҲИМ УЧУН, КЕЛАЖАК АВЛОД УЧУН ТЕЖАШИ ЛОЗИМ!

Мамлакатимизда сувнинг 91 фоизи қишлоқ хўжалигига сарфланади. Унинг атиги бешдан бир қисми юртимизда шаклланади, қолгани эса қўшни давлатлардан оқиб келади. Марказий Осиёдаги жами сув захираларининг 45 фоиздан ортиги ўлка-мамлада ишлатилади.



Азиз ҳамкасблар!

Глобал иқлим ўзгаришлари, минтақада ёгингарчилик миқдори йилдан-йилга камайиши сув ресурсларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бундан 30-35 йил олдин мамлакатимизда фойдаланиладиган йиллик сув миқдори 62-64 миллиард метр куб атрофида бўлган, ҳозирда бу кўрсаткич 51-52 миллиард метр кубга тушиб қолди. Агар вазият шу тарзда давом этверса, яқин йилгидан 10 йил илгари қишлоқ хўжалигида 15 фоиз қишлоқчи, аҳоли жон бошига сув билан таъминланиш даражаси 25 фоиз, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик 40 фоиз тушиб кетиши мумкин. Ҳисоб-китобларга қараганда, Марказий Осиёнинг айрим ҳудудларида 2040 йилга бориб сув ресурсларига эҳтиёж уч баробар ошади.

Сув тақчиллиги оқибатлари Марказий Осиёдаги иқтисодий-иқтисодий муаммоларни юзага келтириши муқаррарлигини ҳисобга олган давлатимиз раҳбари нуфузли халқаро анжуманларда, виллоятларга ташрифларида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратиб, сувни тежаш ва самарали фойдаланишга даъват этаётгани бежиз эмас.

Аграр соҳанинг ривожига бевоқифа агротадбирларни ўз вақтида ўтказиш билан бирга қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, ишчи ҳолатини сақлаш, ҳосилдорликни ошириш ҳамда сув ресурслари таъминотида боғлиқ.

Мамлакатимизда сув тежовчи технологияларни жорий этиш, очик майдонлар, боғ-тоқ қатор оралари ва томорқа ерларида тўқсонбости экинлари етиштиришни кўпайтириш, экин майдонлари ва экинлар таркибини иқлимга мослаб оптималлаштириш, илгор агро-технологияларни жорий этиш чоралари кўриломоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ўрни муҳимлигини эътироф этиш зарур. Кенгашининг барча бўғиндаги раҳбар ва ходимлари ҳамда Бухгалтерия марказ-

лари вакиллари аниқ ва ишончли маълумотларга асосланган ҳолда сувдан фойдаланишдаги муаммо ва камчиликларни таҳлил қилиш асосида тегишли хулоса ва таклифларни фермер, деҳқон ва томорқачиларга мунтазам равишда етказиб боради.

ҲУРМАТЛИ ФЕРМЕРЛАР, ДЕҲҚОНЛАР, БОҒБОН ВА ТОМОРҚАЧИЛАР!

Сув исрофининг энг катта қисми айнан қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Юртимиздаги суғориш тармоқларининг ярами бетонланмаган, яъни туپроқ ўзани ариқ ва каналлардан иборат бўлгани боис катта миқдорда сув йўқотилмоқда.

Мамлакатимиздаги суғориладиган майдонларнинг 60 фоизига 1680 дан зиёд насос станцияси ва 4 мингдан ортиқ суғориш қудуғи орқали жуда катта маблағ ва савий-ҳаракатлар эвазига сув етказиб берилди. Сув хўжалиги соҳасига ажратилган 10 триллион сўмнинг

қўллаб, сув беҳуда сарф бўлишига йўл қўйман! Бу борада бошқаларга намуна бўлинг.

“Отанг мироб бўлса ҳам, ариқингни чуқур қазгин”, деган нақлга амал қилиб, ишни куз-қиш мавсумида ўз худудингиздаги суғориш тизимларини тозалаш ва бетонлашдан бошланг!

МУҲТАРАМ ПАХТАКОР ВА ҲАЛЛАКОРЛАР!

Қишлоқ хўжалигидаги сув таъминотида устуворлик пахта ва ғаллага берилди. Обиҳаётнинг қарийб 60 фоизи ушбу экинларни суғориш учун йўналтирилади. Шу маънода аграр соҳада сувдан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги кўп жиҳатдан пахта ва ғаллага сарфланган сувга боғлиқ бўлмоқда.

Мавжуд сув ресурсларининг истиқболда эҳтиёжни қондира олмаслиги глобал муаммога айланиши тайин. Тежамкор технологияларни жорий этиш сувдан самарали фойдаланишдек стратегик мақсаднинг бош омил саналади. Давлат томонидан ушбу йўналишда имтиёзлар берилиб, имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, сабзавот, картошка, полиз экинлари, озуқабоп, мойли, дуккакли экинлар ва доривор ўсимликлар етиштириш учун сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этган фермер хўжаликларига субсидия ажратилади ва шу экин ерлари беш йил муддатга ер солиғидан озод қилинади, сув ҳисоблагич қўйилганда сув солиғидан 30 фоиз имтиёз берилди.

Томчилатиб суғориш тизими ўрнатилганда ҳар гектар сабзавот, картошка, узум, озуқабоп, мойли, дуккакли экинлар ва доривор ўсимликлар учун гектарига 8 миллион сўмдан, мевали экинларга 6 миллион сўм ва полиз экинларига 1,3 миллион сўм субсидия бериш белгиланган. Пахта ва ғалла майдонларига ўрнатилган сув тежовчи ускуналар учун бир йиллик имтиёзли давр билан 5 йил муддатга ҳар бир гектарга 25 миллион сўмгача имтиёзли кредит ажратилиши кўзда тутилган.

ҚАДРЛИ ҲАМЮРТЛАР!

Қатраси тиллодан қиммат сувни тежар эканмиз, бу мамлакатимиз иқтисодиётига, халқимиз фаровонлигига, эл-юртимиз раванқига, фарзандларимизнинг келгуси бахтли-содатли ҳаётига қўшаётган энг хайрли улушимиз бўлади.

Сув текин эмаслиги, уни исроф



сувни тежаяпти, балки ҳосилдорлик ошиши ҳисобига яхшигина даромад ҳам кўряпти.

Таҳрибали деҳқонлар яхши биладикки, томчилатиб суғориш далага эмас, ўсимликка сув бериш дегани. Маблағ тежалди. Анъанавий суғоришда ўғит сувга оқиб, зовурларда қамишни кўпайтираётган бўлса, томчилатиб суғоришда ўғит айнан экинларга бир хил етказиб берилиши ҳисобига ҳосилдорлик ошмоқда.

Сиз ҳам илгорлар сафига қўшилинг! Сув зар – сувчи заргар, деган мақол бежиз айтилмаган. Қишлоқ хўжалигида заргарона маҳорат билан сувдан унумли фойдаланинг! Тежамкорликнинг замонавий усулларини

қилиш эса халқимиз келажигига хиёнат билан баробарлигини унутмайлик! Сув тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик ҳам белгиланганини ёддан чиқармайлик!

Қайта-қайта такрорланган бўлса-да, бир ҳақиқатни унутишга ҳаққимиз йўқ: сув энг – улуғ неъмат! Ундан тежамкорлик билан фойдаланиш, ҳар бир томчисини асраб-авайлаш келажак авлодлар олдидagi муқаддас бурчимиздир!

Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши



О'zLiDeP фаоли, ёш тadbirkор Зафар Раҳматуллаев (ўнгда) партиянинг Бахмал туман кенгаши аппарат раҳбари Баҳодир Мисиров билан мулоқотда.

ЗАФАРБЕКНИНГ ЗАФАРЛИ ҚАДАМЛАРИ

Ҳеч эътибор берганмисиз, юртимизнинг бирор гўшасига йўлингиз тушиб, у ердаги янги қурилаётган кўприк, йўл, иморат, корхона ёки бошқа иншоотлар ҳақида сўзланган, аксарият одамлар қувончи бунёдкорлик ишларини амалга оширишда бош-қош бўлаётган тadbirkорлар номини ҳам фахрли билан тилга олишадими. Албатта, бу каби мақтов ва эътирофлар замирида машаққатли меҳнат, заҳматлар ётганини ҳаммамиз ҳам билвермаймиз.

Бахмаллик Зафар Раҳматуллаев ҳали ёш бўлса-да, лекин ўзининг савобли ишлари билан элдошлари дуосини олаётганига анча бўлди. Айни мустақиллик йилларида таълим олиб, янгича фикр, янгича дунёқараш билан вояга етган, асли касби шаҳарсозлик ва қурилиш муҳандиси бўлган ёш ишбилармон йигит бундан ўн уч йил аввал ўз фаолиятини отаси,

рў-эътибор топиш мумкинлигини тақдор-тақдор уқтирди. Муваффақиятлар ортида қаттиқ заҳматлар ётишини тез ва теран англаган Зафарбекдан кўнгли тўлди, шекилли, ўзи бошлаган масъулиятли ишларни унга топширди. У эса 40 нафардан ортиқ доимий, 50 нафардан кўпроқ мавсумий ишчилар меҳнат қиладиган жамоа билан муштани бир жойга қўйиб, анча салмоқли режаларни амалга ошира бошлади.

Биргина жорий йилнинг ўтган даври давомида Бахмал туманидаги “Бунёдкор”, “Истиқлол”, “Файзобод” маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари янгидан қурилди. Бунёдкорлик ишларининг жами қиймати 2 миллиард сўмдан кўп. Дастлаб Новақ қишлоғи аҳлининг тўлиқ ичимлик суви билан таъминланишида унинг хизмати чексиз. Аҳолининг мамнуниги, ишлар сифати буюртмачиларни ҳам қониқтиргани учунми, “Тонготар” ҚФЙга қарашли “Калтасой”, “Зармисобод”, “Барлос” МФЙдаги Соилқи ва Барлос, “Янгибоғ” МФЙдаги Лойқа қишлоқларидаги артезиан қазиш ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш вазифаси ҳам “Сирли

хонадонли 2 та кўп қаватли бино қурилмоқда. Эътиборли томони, бунёдкорлик жараёнида фойдаланилаётган қурилиш маҳсулотларини жамият аъзолари туманининг ўзида ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Бу, бир томондан, таннархга таъсир қилса, иккинчидан, янги иш ўринлари очилган ҳам имконият яратмоқда.

Бир лаҳза тиним билмай елиб югураётган Зафар Раҳматуллаевнинг топиш ҳам осон эмас. Кўли кўлига тегайди. Ҳали у объектда, ҳали бунисиди. Охири тош майдалаш ҳеҳида қўришдики. Бир пайтлар ташландиқ бўлиб ётган турт гектар майдоннинг бир қисмида мазкур цех фаолият кўрсатаётган бўлса, қолган қисмига эса янги кўчатлар экилиб, обод қилишга киришилди. Шу кунгача жамият аъзолари томонидан 400 туздан ортиқ мевали ва 4000 туздан ортиқ манзарали кўчатлар экилибди.

– Дарахтлар йилдан йилга кўкка бўй чўзиб, атрофлар ободонлашиб бораётганига байрамимизга байрам қўшапти, – дейди тadbirkор йигит биз билан сўхтабди.

Айтганча, қаҳрамонимиз О'zLiDeP фаоли. Жамият қошида ташкил этилган БПТ етакчиси. Партиянинг XI съезди иштирокчиси.

– Ҳали-ҳали ўша тарихий анжуман менда жуда катта таассурот қолдирганини эсламан, – дейди Зафарбек. – Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган маслақдошларимиз, тadbirkорлар билан мулоқотда бўлдик, янги-янги гоғлар туғилди. Фаолиятимиз кўламини янада кенгайтириш ҳаракатига тушдик...

Ёш тadbirkор партиянинг нуфузли тadbirkоридан олган бой кечинмаларини тўлқинлашиб сўзлар экан, янада руҳланиб, яқин келажакдаги режаларини ўртоқлашди. Энди қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган бир нечта истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга киришганини ҳам яширмади.

Демак, жаннатноманд Бахмалда бунёдкорлик ишлари кўламини янада кенгайтирди. Янги-янги замонавий иморатлар қад кўтарди. Янги иш ўринлари яратилди. Одамлар турмуши фаровонлашиб бораверади. Бу ишонч Зафар Раҳматуллаев етакчилиги қиладиган бахмаллик қурувчиларнинг кундалиқ фаолиятида, хушнуд кайфиятида яққол сезилиб турибди.

Янги Ўзбекистонимиз пойдеворини қўяётган бундай руҳи баланд, юрагида ўти бор ёш замондош тadbirkор йигитларга тилагимиз шу: омад ва ютуқлар ҳаммиша ҳамроҳ бўлаверсин!

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири
Суратларни
Сирожиддин АҲМАТОВ олган.



таникли тadbirkор Холмурод Раҳматуллаев раҳбарлигидаги “Сирли Самар” масъулияти чекланган жамиятида оддий инженер сифатида бошлаган эди. Албатта, ўтган қисқа, лекин залворли йиллар давомида Холмурод ака ғайрат-шижоати жўш урган ўғлига, энг аввало, одамлар билан мулоқот қилиш маданияти юкка бўлсагина, об-

Самар” МЧЖ зиммасига юклатилди. Ушбу хайрли ишлар қисқа муддатда сифатли бажарилиб, юқорида номлари саналаётган қишлоқлар аҳолиси узоқ йиллар давомида илк бор тўлиқ тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлишди.

Айни пайда жамият аъзолари томонидан туман марказининг кириш қисмида ҳар бири 20

ШУКУХ

БАЙРАМ ДАВОМ ЭТМОҚДА



O'zLiDeP Toshkent shahar kengashi tashabbusi bilan пойтахтимизning Яккасарой туманида партия ташкил топганининг 20 йиллигига бағишланган байрам тадбири ўтказилди. Унда сиёсий кучнинг фахрийлари, депутатлар, фаоллар, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирни O'zLiDeP Toshkent shahar kengashi raisi Ravshan Fozilov ochib berdi. U tadbir qatnashchilarini bayram bilan tabriklab, partiya tomondan amalga oshirilayotgan tizimli loyiha-lar kўplab ёшlar, хотин-кизларнинг мамлакат сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида ўз ўринларини топишига, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашиб келаятигани, буларнинг барчаси O'zLiDePни

мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ажралмас қисмига айлантирганини таъкидлади.


– Партиямизнинг қисқа, лекин залворли кечган тарихий даври фақатгина қўлуғ сана эмас, балки фаолиятни сарҳисоб қилиб, истиқболдаги устувор вазифаларни ҳам белгилаб олиш учун бир имкониятдир, – деди Ravshan Fozilov ўз сўзида.

Бугун мамлакат сиёсат майдонида етакчилик мақомига эга партиянинг тамал тошини кўйишдек масъулиятли вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшган фахрийлар сўз олиб, босиб ўтилган йўللار, эришилган муваффақиятлар хусусида гапирди.

Тадбир нихоясида O'zLiDeP фаоллари ва фахрийлар эсдалик совға ва ташаккурномалар билан тақдирланди.

Карим ЗАРИПОВ,
"XXI asr" мухбири

Суратни Сардор АМИНЖОНОВ олган.



Biznesni Rivojlantirish Banki

8

DEKABR

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KONSTITUTSIYASI
KUNI MUBORAK BO'LSIN!

QUANT

BIZ BILAN HAMMASI SODDA VA QULAY



"QUANT" mobil ilovasi

- Uzcard, Visa, Humo kartalari o'rtasida pul o'tkazish
- Valyutani onlayn sotib olish
- Internetda kartalar, omonatlar va hisoblarni boshqarish



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ УРГУТ ТУМАНИДА ФАОЛИЯТ КўРСАТАЁТГАН

“URGUT SAVDO KOMPLEKSI”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

барча юртдошларимизни **8 декабрь – Конституциямиз байрами** билан самимий муборакбод этади!

Халқимизнинг сиёсий-ҳуқуқий тафаккури кўзгуси, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний кафолатловчи, асосийси, барчамиз учун тўғри, ҳалол яшамоқ имконини

берувчи бош ҳужжат – Конституциямиз эканлигига шак-шубҳа йўқ. Асосий қонунимиз билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди.

Эътиборлиси, ўтаётган йилда фаровон ҳаётимиз ва тараққиётимиз таянчи – янгиланган Конституциямиз қабул қилиниб, чинакам халқ қомусига айланди.

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

ПАМФЛЕТ ЎРНИДА

МИНҒИР-МИНҒИР ЛАППАКЛАР

Ҳозирги авлод “лаппак” нималигини билмайди. Бу матоҳ аллақачон музейлар мулкига айланган.

Лаппак – доира шаклидаги нимарса, яъни грампластинка ҳам дейиларди. Инсон овозини ёзиб олиб, эшиттириш ускунаси патефон билан бирга кашф қилинган. Уша лаппак патефонда айлиниши асносида устидаги сезгир магнит игнаси овоз ҳосил қиларди. Лаппак кўп бора ишлатилса, игна юрадиган чизиклар дарз кетиб, кўшиқнинг чала сатрини такрор ва такрор айтаверарди.

Кейинчалик оҳанрабо тасмали магнитофон кашф қилинган, патефоннинг бозори касод бўлди. Магнитофоннинг ҳам ўзига хос қусури бор эди: баъзида эскирган тасмани чайнар... ўшанда ҳам тингловчи фақат минғир-минғир сасни такрор ва такрор эшитишга маҳкум бўларди.

Ҳозирда катта ёшдаги кишилар бир гапни такрор айтганидан биродарига ҳазилу чин маъносидан “Бунча магнитофон лентасидай чайналасан!” деб эътироз билдиришлари ўша отам замонлардан қолган.

Нега лаппаку оҳанрабо тасмасини эслаб қолдим? “YouTube” тармоғида тасодифан ғалати сарлавҳали кўрсатувларга (улар ўзларича “ҳужжатли фильм” аташганига ўлиб қолади одам) кўзим тушди. Сарлавҳаларини қаранг: “Пахта иши – ўзбек мафияси”, “Темурлан ким бўлган?”, “Аҳмаджон Одилов – ўзбек мафияси отасимиди?”, “Шароф Рашидовни ўлдирганмиди?”... (номлари русча кўрсатувлар ҳам).

“Lenta.ru” деб аталган канал “ижодкорлари” нега ўтган асрининг сўнгги чорағида миллатимиз узра ўтказилган навбатдаги қатағон жабрдийдалари ҳақида ўша вақтда роса шов-шув қилинган, аслида тўқиб чиқарилган воқеалар, факт ва рақамларни қандай мақсадда “қайта жонлантиришяпти”, Гдлян-Иванов деган иблислардан қаҳрамон яшашмоқда? Тарих қатларида қолиб кетган, ўз вақтида сиёсий баҳд берилган жараёни гўрдан қазиб олиб, бутун дунёга жар солишларидан кўзланмиш ниятлари не?

Биргина “Lenta.ru” бўлсаям қанийди. Бунга ўхшаган ғалати атамали сонмингта каналлар, яна исми-шарифлари тушуниқсиз блогерлар ҳам ёлғонларга қоришган луқмаларини “обуначи” оломонга зўрлаб тиқиштирмоқда.

Таассуфки, ёлғоннинг қадами тезкор келади. Одамларда шов-шувларга ўчлик бор. Бунга оддий мисол: Аҳмаджон Одилов ҳақида ўша вақтда Сидорский, Гайда-



нов каби “десантчи”лар тўқиб чиқарган, яъни унинг “200 нафар автомат билан қуролланган тансоқчиси бўлгани”, “Попада бўйсунмаганлар учун алоҳида зиндон қурдиргани” каби афсоналардан кўпиртириб яратилган “ҳужжатли фильм”ни “Lenta.ru” каналда бир ой ичида бир ярим миллион киши томоша қилибди (улар орасида ҳамюртларимиз ҳам кам эмас).

Айни шу ва бошқа қатор каналлар ўз тармоғи орқали юртимизда олиб борилаётган ислохотларга ғараз кўзи билан қараб, ёлғон маълумотларни (мисол учун, турли лақабли жиноят олами вакиллари тўғрисида) ваҳимали сарлавҳалар остида тарқатишдан тўхтамаяптилар.

“YouTube” тармоғида кўп сонли обуначиларга эга бундай “ижодкорлар” тўқиб чиқарилган сохта ёлғонлардан иборат кўрсатувлари орқали мўмайгина пул ишлашяпти ҳам.

Мақсад фақат пул ишлаш деб ўйлайсизми? Минг афсусли, йўқ!

Бундай “ўйинлар” ортида ғаразли “сиёсат” ётибди. Миллатимиз, халқимизга пана-пастқамдан яна тошлар отилмоқда, ўтмишдаги тарихий шахсларимиз қайта бадном қилинмоқда, не-не курашлар орқали оқланган пок номлари яна қораланмоқда.

Тўтиқушдай минғирлаётган бузуқ лаппакларга эътибор қаратиш керакмас, деришсиз? Тўғри, аммо ҳали дунёқараш шакланмаган, ижтимоий тармоқларга муккасида кетган ёшларимиз (ҳатто катта ёшлиларнинг ҳам) онгини заҳарлаш, уларга тарихимизни бузиб кўрсатиш, амалдаги ислохотлардан чалғитиш кимларгадир керак бўлиб қол-

мадимикан, деган савол туғилади. Бу ғаразли мақсадлар ортида ҳасад, бўҳтон, ғийбат ётибди, давлатимизнинг дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишини хохламайдиган кучлар турибди.

Ўйғонайлик, кўзимизни каттароқ очайлик. Иши фақат заҳар солмоқдан иборат “чаён”лару “илон”лар ҳақида бонг урадиган вақт келмадимми? Жимгина, томошабин бўлиб ўтирсак, улар бошимизда яна “қора булут”лар пайдо қилмаслигига қафолат йўқ. Айнан ана шу шайтонсифат ғаламислар сукутни ризо аломати деб билиб, яна ва яна кутуришлари ҳеч гапмас!

...Лаппакларнинг минғир-минғирдан огоҳ бўлайлик!

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири

огоҳлик

Фуқароларнинг фаолиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ эмаслиги ва ҳар бир давлат хизматчиси ўз фаолиятининг жамоатчилик назорати остидалигини ҳис этиб бориши тараққиётнинг муҳим шартидир. Президентимиз таъбири билан айтганда, биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шу боис биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолиятини, шу жумладан, қучишлатувчи тузилмалар фаолиятини устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

“Деҳқонобод калий заводи” АЖ фаолиятининг очиллиги, жамоатчилик олдида ҳисобдорлигини таъминлаш мақсадида “Очиқ эшиклар кўни” ўтказилди. Тадбир 9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши курашиш кўнига бағишлаб ташкил этилган “Аксилкоррупция” ойлиги доирасида бўлиб ўтди. Компаниясиз хизмати бошлиғи Уктам Мейлиев, кадрлар бошқармаси бошлиғи Нарғиза Усмонова, назорат бўлими бошлиғи Хусниддин Эсанов “Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мезонлари”, “Акциядорлик жамияти фаолиятининг очиллигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар”, “Коррупция – давлат таназзулининг ибтидоси, тараққиёт кушандасидир” каби мавзуларда тақдирот қилди.

Янги Ўзбекистонимизда демократик кадрлар қарор топиб бораётган бир пайтда давлат хизматчилари томонидан порахўрлик, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятлар содир этилиши ҳоқимиятнинг обрўсизлашишига, давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий

ЖАМОАТ ВА ЖАМИЯТ НАЗОРАТИ КУЧАЙСА...

“Деҳқонобод калий заводи” акциядорлик жамиятида 9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши курашиш кўнига бағишланган тадбир бўлиб ўтди



тизимига путур етишига, натижада амалдаги ҳоқимиятга нисбатан норозиликка сабаб бўлиши мумкин. Коррупциянинг ривожланиши давлатнинг таназзулига олиб келиши жаҳон тарихида кўп бора такрорланган.

Тадбирда коррупциянинг илдишлари давлат хизматларини ташкил этишдаги нуқсонларга ва давлат хизматчиларининг ўзига хос психологиясига бориб тақалиши таъкидланиб, унга қарши курашда маъмурий-ҳуқуқий ва ташкилий-бошқарув чора-тадбирлари яхши самара бериши айтиб ўтилди.

Жиноят ишлари бўйича туман судининг раиси, туман прокуратураси ходимлари, туман ИИБ инспекторлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган тадбирда сўзга чиққанлар коррупцияни фақатгина қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг усту-

ворлигини таъминлаш, очиқлик ва шаффофлик, тизимлилик, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги, чора-тадбирлар устуворлиги, жавабгарликнинг муқаррарлиги орқалигина йўқотиш мумкинлигини таъкидладилар.

Коррупцияга қарши курашишда фақат жиноят-ҳуқуқий воситалар билангина натижага эришиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Мазкур жараёнда фақат давлат органлари эмас, балки бутун жамият ва ҳар бир фуқаро қатъий ҳаракат қилиши керак.

Маъзуна Йўлдошева,
“Деҳқонобод калий заводи” АЖ бошқаруви раиси маслаҳатчиси, матбуот котиби

Реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди.

Кўп миллатли мамлакатимиз аҳлини қутлуғ байрам – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 31 йиллиги билан

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ НУРАФШОН ШАҲРИДАГИ
“ABLE SURPLUS”

масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхона

жамоаси қутлайди!
Халқимиз шод,
Ватанимиз ҳамisha
обод бўлсин!



MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:
Ақтам ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шуҳрат БАҒОЕВ
Мавлуда ХУҲАЕВА

Сироҷиддин САЙИИД
Адҳам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73^а-уй.

Электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).
Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан
рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 1245
Адади: 9038
Баҳоиси келишилган нархда.
Топширилди – 19:20

Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнер

Маъруфжон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Фаррух ЖАББОРОВ